

## ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТУВЧИ МУАССАСАЛАРДА ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



**Мирзатиллаев Умид Изатиллаевич**

Ўзбекистон Республикаси  
Криминология тадқиқот институти,  
бош илмий ходими, юридик фанлар  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Mirzatillaev Umid Izatillaevich**

Chief Researcher at the Research  
Institute of Criminology of the Republic  
of Uzbekistan, Doctor of Philosophy  
(PhD) of law.



**Майоров Андрей  
Владимирович**

Россия Федерацияси "Урал  
давлат юридик университети"  
Жиноят ҳуқуқи кафедраси  
профессори, ю.ф.д., профессор.

**Mayorov Andrey Vladimirovich**

Professor of the Department  
of Criminal Law at Ural State  
University of Law of the  
Russian Federation, Doctor of  
law, Professor.



**Рихсимов Комрон Аброрович**

Ўзбекистон Республикаси  
Криминология тадқиқот  
институти, илмий ходим  
тадқиқотчиси

**Rikhsimov Komron Abrorovich**

Research Institute of Criminology  
of the Republic of Uzbekistan,  
researcher researcher.

## SPECIFIC FEATURES OF THE PREVENTION OF CRIMES RELATED TO THE ILLEGAL TRAFFICKING OF NARCOTIC DRUGS OR PSYCHOTROPIC SUBSTANCES IN PENAL INSTITUTIONS

**Аннотация.** Мазкур мақолада жазони ижро этувчи муассасаларда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларни профилактика қилишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда жазони ижро этиш муассасаларида наркотик моддаларнинг тарқалишига таъсир этувчи омиллар, уларнинг муассаса ҳудудига кириб келиши йўллари ҳамда маҳкумлар ўртасида гиёҳвандликка мойил шахслар билан олиб борилаётган профилактик ишлар кўриб чиқилган. Шунингдек, наркотик моддаларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда махсус техник воситалар, жумладан наркотестерлардан фойдаланишнинг аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** маҳкум, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, жиноят, жазони ижро этиш муассасалари, наркотестер, мажбурий даволаш.

**Abstract.** This article analyzes the specific features of preventing crimes related to the illegal trafficking of narcotic drugs or psychotropic substances in penal institutions. The study examines the factors influencing the spread of narcotic substances in penal institutions, the ways they enter the territory of such institutions, as well as preventive work carried out among inmates prone to drug use. In addition, the importance of using special technical devices, including drug testers, for detecting narcotic substances and preventing their spread is highlighted.

**Keywords:** inmate, narcotic drugs, psychotropic substances, crime, penal institutions, drug tester, compulsory treatment.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи жаҳон миқёсида жиноятчиликнинг энг хавфли ва мураккаб турларидан бири ҳисобланади. Мазкур турдаги

жиноятлар нафақат аҳоли саломатлиги ва жамият маънавий муҳитига, балки, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.





Судлар томонидан 2025 йил давомида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят содир этган **10 134 нафар** шахсларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Мазкур кўрсаткич 2021 йилга нисбатан **2,5 бараварга** яъни **4 182 тадан 10 134 тага** кўпайган.

Умумий судланганларга нисбатан гиёҳвандлик билан судланганлар улуши 2021 йилда **9,3 фоизни** ташкил этган бўлса, 2025 йилда эса **16 фоизга** етган.

2025 йилда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят учун озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг **55 фоизи ёки 5 583 нафари** Тошкент шаҳри (2 626), Фарғона (1 612) ва Тошкент (1 345) вилоятлари аҳолиси ҳиссасига тўғри келган [1].

Мазкур тоифадаги шахсларнинг айримлари жамиятдан ажратилган шароитда жазо муддатини ўтаётган бўлсалар-да, жиноий хатти-ҳаракатларини озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам давом эттириб, жазони ижро этиш муассасаларининг криминоген вазияти, маҳкумларни тузалиш ва қайта ижтимоийлашув жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, ўтган 2025 йил давомида жазони ижро этиш муассасаларида содир этилган жиноятларнинг **17,1 фоизини** гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ташкил қилган. Шу тоифадаги жиноятларнинг **94,7 фоизи** очиқ тартибли манзил-колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар томонидан содир этилган.

Натижада **49,8 грамм** гиёҳвандлик моддалари аниқланиб, уларнинг **61,7 фоизи** назорат ўтиш жойларида **38,8 фоизи** муассаса ички ҳудудларида ўтказилган тинтув тадбирлари давомида олинган [2].

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва кучли таъсир этувчи препаратлар жазони ижро этиш муассасаларида тақиқланган нарса ва буюмларнинг рўйхатига киритилган.

Бугунги кунда жазо муддатини ўтаётган **900 га** яқин маҳкумлар гиёҳвандликка мойил шахслар сифатида рўйхатга олиниб, улар билан ички ишлар вазирлиги ва соғлиқни сақлаш вазирликларининг белгиланган меърий

буйруқлари асосида келишилган ҳолда мажбурий даволанмоқда.

Гиёҳвандлик йўлиққан ва мажбурий даволаниши лозим бўлган маҳкумлар бошқа маҳкумлардан батамом ажратилган ҳолда сақланади. Даволаш курси тугагач, маҳкумнинг касаллик тарихига якуний хулоса ёзилади ҳамда тиббий комиссия хулосаси, шунингдек, клиник-лаборатория, рентгенология ва бошқа текширув натижалари асосида маҳкумнинг руҳий ва жисмоний ҳолатидаги барча ўзгаришларга тавсиф берилади [3].

Гиёҳвандликка йўлиққан маҳкумни мажбурий даволаш курси тўлиқ тугагач, ЖИЭМ маъмурияти унга нисбатан тайинланган мажбурий даволаш чораларини олиб ташлаш тўғрисида судга тақдимнома юборади.

Жазони ўташ даври мобайнида гиёҳвандликдан мажбурий даволанган маҳкум озод этилган тақдирда, ЖИЭМ маъмурияти маҳкум озод этилганидан сўнг у яшайдиган жойдаги наркология диспансерига ёки тегишли ҳудудий соғлиқни сақлаш органларига унинг тиббий картасидан кўчирма юборади.

Манзил-колонияда текширилувчи маҳкумнинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилганлигини аниқлаш манзил-колония маъмурияти ёки туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасалари томонидан махсус техник восита наркотестер ёрдамида амалга оширилади [4].

Маҳкум бир ҳолатда тўғри тура олмаслиги (чайқалиб туриши), нутқининг бузилганлиги, қўл бармоқларининг қалтираши, юз териси рангининг сезиларли ўзгарганлиги наркотестер текширувини ўтказиш учун асос бўлади.

Наркотестер текшируви камида икки нафар холис иштирокида, зарур ҳолларда эса шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида ўтказилади.

Наркотестер текширувидан олдин манзил-колония ходими текширилувчи маҳкум ва холисларни махсус техник восита наркотестернинг ишлаш тартиби ва кўрсаткичлари билан таништиради, уларнинг талабига асосан қиёслаш сертификати (нусхаси)ни кўрсатади.





Наркотестер носозлигига шубҳа мавжуд бўлганда ёхуд текширув ўтказиш жараёнида санитария-гигиена қоидалари бузилганда, текширилувчи маҳкум наркотестер текширувидан ўтишдан бош тортиши мумкин.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилганлиги бўйича текширувдан ўтказишда текширилувчи маҳкум томонидан чиқарилган ҳаво намунаси (биологик суюқлик (сўлак) наркотестер) мосламасини қўллаш йўриқномасига асосан олинади [4].

Текширилувчи маҳкум наркотестер ёрдамида текширувдан ўтишдан бош тортган ёхуд унда текширув натижаларига эътироз мавжуд бўлган ҳолларда, шунингдек маҳкумнинг оғиз бўшлиғидан чиқарилган биологик суюқлик (сўлак) наркотестер ёрдамида текширилганда унинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилганлиги аниқланган тақдирда, манзил-колония ходими текширилувчи маҳкумни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар таъсиридан маст ҳолда эканлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтказиш учун туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасасига олиб боради.

Туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаси томонидан тиббий текширув натижалари бўйича баённома тузилади [4].

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жазони ижро этиш муассасаларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар пенитенциар тизимдаги криминоген вазиятга жиддий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Мазкур турдаги

жиноятларнинг содир этилиши муассасалардаги тартиб-интизомга салбий таъсир кўрсатиб, маҳкумларнинг тузалиш ва қайта ижтимоийлашув жараёнини мураккаблаштиради.

Тадқиқот натижалари жазони ижро этиш муассасаларида наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси асосан муассаса ҳудудига турли йўллар билан олиб кирилиши, маҳкумлар ўртасида гиёҳвандликка мойил шахслар мавжудлиги ҳамда муассаса фаолиятининг ўзига хос режим шароити билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Шунингдек, наркотик моддаларни аниқлаш ва олдини олишда махсус техник воситалар, жумладан наркотестерлардан фойдаланиш, назорат ва текширув тадбирларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этиши аниқланди.

Шу муносабат билан жазони ижро этиш муассасаларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш мақсадида профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш, муассасаларда назорат механизмларини кучайтириш, маҳкумлар ўртасида тарбиявий ва тиббий-профилактик ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда замонавий техник воситалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Умуман олганда, мазкур йўналишда профилактика тизимини такомиллаштириш жазони ижро этиш муассасалари хавфсизлигини таъминлаш, маҳкумларнинг ахлоқан тузалиш жараёнини самарали ташкил этиш ҳамда қайта жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

### Фойдаланилган манбалар / References

1. Суд статистикаси (<https://stat.sud.uz/criminal>).
2. ИИБ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ҳисоботлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси. 182-моддаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 174-сонли буйруғи.